



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



No 23
25 декабрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
9-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
23-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-9**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
23-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-9**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 23-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 17 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛарнинг
тутган ўрни**

1. Салоҳиддин Самадов	
АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИҚТИСОДИЁТНИ ЯХШИЛАШНИНГ	
ОМИЛИ СИФАТИДА	7
2. Ташмуҳамедова Карима Саматовна, Адҳамов Оқилжон Иброҳим ўғли	
УПРАВЛЕНИЕ ОСНОВНЫМИ ФОНДАМИ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ.....	10
3. Сатторов Озодбек Отабек ўғли	
ФАРМАЦЕВТИКА КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ	12
4. Nabijonov Otabek Ganiyevich, Raimova Durdonra Durdibay qizi	
INNOVATSIYA FAOLIYATINING АHAMИYATI.....	14



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИҚТИСОДИЁТНИ ЯХШИЛАШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

*Салоҳиддин Самадов,
Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари
жамгармаси ижро этувчи дирекцияси ижро
директори, мустақил изланувчи
(Тел.: +998933997500)*

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида аҳоли бандлиги, бандлик масалалари, маҳзур соҳада мамлакатда олиб борилаётган давлат сиёсати таҳлил этилган. Шунингдек, бандлик ва бандлик муносабатларини очиб берувчи фикрлар илмий асослантириб берилган.

Калит сўзлар: бандлик, аҳоли бандлиги, ишсизлик, ёшларни ишга жойлаштириш, жамоат ишлари, меҳнатга лаёқатли аҳоли, демография, иш билан таъминлаш.

Бугун мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсати юритиш хисобига етакчи тармоқларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда, бу ўз навбатида ўта долзарб муаммо ҳисобланган аҳоли, авваламбор ёшлар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги ПҚ-2960-сонли Қарорига мувофиқ жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва иқтисодий комплексга кирувчи ҳудудий органлар раҳбарларининг, уларни моддий рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий чора қўллаш бўйича тегишли тизимни жорий этган ҳолда, аҳоли бандлигининг ўсиши ва уни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги ва самарадорлиги учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулияти оширилди.

Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини қучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирилган самараали ишларни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини тубдан қучайтириш мамлакатимизда бандлик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Бандлик нима? Бандлик, аҳолини иш билан таъминлаш — меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунларга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти. Бандлик турли мулкчилик шаклларидағи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ёлланиб ишлаш билан чекланмай, айни пайтда тадбиркорликни, ўзини иш билан мустақил таъминлаш (ўзича Бандлик)ни, шахсий томорқа хўжалигидаги ишни, уй хўжалигига банд бўлиш ва болаларни тарбиялаш б-н шуғулланиш, давлат ва жамоат вазифаларини бажаришни, ўрта маҳсус ва олий ўқув юргларида қундузги ўқишини ҳам ўз ичига олади. Бандлик тўлиқ ва тўлиқсиз бўлиши мумкин. Тўлиқ Бандлик амалда “ялпи” бандлик, меҳнатга қобилиятли аҳолининг 90 — 92% банд бўлишини назарда тутади.



Бозор шароитларида тўлиқ бандлик жамият даражасида табиий ишсизликнинг бўлишини ҳам билдиради. Тўлиқ бўлмаган бандлик аксарият ҳолларда яширин кўринишга эга бўлиб, ходимларни расман банд деб ҳисоблашни назарда тутади, амалда ходимлардан қисқартирилган иш вақти даврида фойдаланишни англатади. Иккинчидан, бандлик амалда ўриндошлик бўлиб, ходимнинг қўшимча иш ҳақи топиши учун иш кучини ўзи асосий банд бўлган корхонага (асосий ишдан бўш вақтларда) таклиф этишини билдиради. Ўзича бандлик (ўзига иш топиш) даромад манбаи бўладиган фаолиятни мустақил излашни, давлатнинг турли даражадаги идоралари қўллаб-кувватлаши ёрдамида доимий ёки вақтинчалик даромад олиш учун иш ўринлари барпо этишини назарда тутади. Ўзича бандлик аксарият ҳолларда кичик бизнес кўринишига эга бўлади ва ходимларнинг ўз ташабbusлари билан турли истеъмол товарлари тайёрлаш ва хизматлар кўрсатиш бўйича якка меҳнат фаолияти билан боғлиқ¹.

Ўзбекистонда Бандлик муаммолари катта эътиборни талаб этади, чунки республикада мураккаб демографик вазият мавжуд, аҳолининг табиий ўсиш суръатлари юқори, аҳоли таркибида ёшлар кўпчиликни ташкил этади, аҳолининг қўп қисми қишлоқларда яшайди. Ўзбекистонда аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси 2019 йилда 75 % ни, аҳолининг бандлик даражаси эса 68 % ни ташкил этди². Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисми ишсизларни ташкил этади. Аҳоли бандлигини ошириш бўйича асосий тадбирлар иш билан банд бўлган аҳолининг таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни янги илғор тармоқлар ва соҳаларга жалб қилиш бўлиб, бу эса ўз навбатида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли захираси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2020 йил 75-сессиясидаги нутқларида жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш, қашшоқликни тугатиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда, деб таъкидлаб ўтдилар. Шу нуқтаи назардан, бугун мамлакатимизда бандлик соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина бандлик соҳасида 20 дан ортиқ Қонун хужжатлари, 30 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, 50 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг барчаси мамлакатимизда аҳоли бандлиги, ёшларни иш билан таъминлаш, уларга муносаб иш шароитларини яратишга қаратилган нормаларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада тақомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон Фармонини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-кувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3268-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга биноан ҳақ тўланадиган жамоат ишлари турлари ва тартиби белгилаб берилди. Бунга асосан республикада бандликни таъминлаш, бўш иш ўринлари ташкил этиш, ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли учун алоҳида тайёргарлик ҳамда малака талаб қилмайдиган, ҳақ тўланадиган вақтинчалик меҳнат фаолияти йўлга қўйилди. Жамоат ишлари жамғармаси зиммасига белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилиб, жамоат ишларига йўналтирилган фуқароларнинг иштирокини молиялаштириш, шаҳар ва туман ҳокимликлари, Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, манбаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа иш берувчи ташкилотлар билан биргаликда республиканинг барча худудларида жамоат ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторингини юритиш каби қатор вазифалар юклатилди. Жамоат ишлари жамғармаси зиммасига банд бўлмаган шахсларни вақтинчалик маош (меҳнат даромади) билан таъ-

¹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/bandlik-uz/>

² <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystika-uz/6555-mehnat-bozori>



минлаш ва уларни иш қидириш даврида моддий қўллаб-қувватлаш, ишсиз шахсларнинг вақтингачалик бандлигини таъминлаш учун шароитлар яратиш, касбга (мутахассисликка) эга бўлмаган илк бор иш изловчи шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этиш, турли сабабларга кўра (илгари бола тарбияси, бемор ва кекса оила аъзоларини парваришилаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва бошқа сабабларга кўра) узоқ та-наффусдан сўнг қасбий фаолият билан шуғулланмаган шахслар меҳнатини реабилитация қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларини ишчи кучи билан таъминлаш вазифалари юклатилди. Шуниси аҳамиятлики, жамоат ишларининг таклиф қилинаётган турлари жамоат ишларига юборилаётган шахсларнинг қасбий маҳоратини, иш тажрибасини, ёшини, жинсини ва бошқа хусусиятларини, иш вақти ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур шароитларни ҳисобга олиши керак¹. Юқорида қайд этилган Қарорга мувофиқ бюджет ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ташкил қилинган жамоат ишларида Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида жамоат иштирок этиш учун юборилган фуқароларнинг ойлик иш ҳақи микдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 1,76 бараваридан ортиқ бўлмаган микдорда белгиланиши мумкин, иш ҳақи бўйича тўловлар 100 фоиз микдорида кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан қопланади².

Мазкур ишлар республикада аҳоли бандлигини таъминлашда жаҳон тажрибасида мавжуд амалиётни чукур таҳлил этиш орқали амалга оширилмоқда. Жамоат ишларида иштирок этаётган фуқароларга яна бир қулайлик яратилган. Уларнинг меҳнат қилган даври меҳнат стажига қўшилади. Бундан ташқари, пенсия таъминоти ва вақтингча ишга яроқсизлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолинади. Кўриниб турибидики, жамоат ишлари фуқаролар учун катта имкониятлар омили бўлиб, бандлик соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатини яна бир поғона юқорига кўтаришга асос бўлмоқда.

¹ <https://lex.uz/docs/3370341>

² <https://lex.uz/docs/3370341>



УПРАВЛЕНИЕ ОСНОВНЫМИ ФОНДАМИ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Ташмухамедова Карима Саматовна,

Email: Robi_1973@mail.ru

доцент, Ташкентский

архитектурно-строительный институт,

Республика Узбекистан, г. Ташкент

Адхамов Оқилжон Иброҳим ўғли

Email: okil.adhamov@gmail.com

студент, Ташкентский

архитектурно-строительный институт,

Республика Узбекистан, г. Ташкент

Аннотация: Наиболее значительную часть активов предприятия составляют основные средства, которые находятся на балансе предприятия и находятся в эксплуатации, в резерве, на консервации, а также переданы в аренду другим предприятиям. Выбор правильной и оптимальной политики учета основных средств и амортизации существенно помогает предприятию минимизировать налоги и ускорить процесс обновления парка оборудования. В этой статье рассматриваются методы ускоренной амортизации. Любое предприятие заинтересовано в ведении такой учетной политики, при которой в течение первых лет работы с основными средствами списываются высокие нормы амортизации. Реализация такой политики снижает налогооблагаемую прибыль и ускоряет обновление основных фондов, что особенно актуально сейчас, в условиях стремительного прогресса науки и технологий.

Ключевые слова: основные средства, фонды, качество, остаточная стоимость, амортизационные отчисления, производственные мощности.

Основные средства - это материальные активы, которые предприятие содержит с целью использования в процессе производства или поставки товаров, оказания услуг, сдачи в аренду другим лицам или для выполнения административных и социально-культурных функций, ожидаемый срок полезного использования (эксплуатация) из которых составляет более одного года (или эксплуатационный цикл, если он длится более года).

Стоймость основных средств за вычетом накопленной амортизации называется чистыми активами или остаточной стоимостью. Основные средства принимаются к учету по первоначальной стоимости, но в дальнейшем основные средства отражаются в бухгалтерском балансе по остаточной стоимости. Остаточная стоимость актива определяется как разница между первоначальной стоимостью и амортизационными отчислениями.

Анализ основных средств (фондов) может проводиться по нескольким направлениям, совокупное развитие которых позволяет оценить структуру, динамику и эффективность их использования. Результаты анализа динамики основных средств в 2017 - 2019 годах показали, что за этот период произошли существенные изменения в их количестве. Из проведенного анализа динамики основных фондов среди отечественных строительных подрядных организаций можно рекомендовать обратить внимание на динамику основных производственных фондов и на их модернизацию. Потому что эффективность и увеличение объемов производства во многом зависит от обеспеченности предприятия основными производственными фондами.

Изучая структуру основных фондов строительных организаций Узбекистана и мира в целом, рекомендуется обратить особое внимание на обновление машин и оборудования предприятия. Совершенствование инвестиционной политики в этом направлении, проведение капитального ремонта оборудования позволит более эффективно использовать основные производственные мощности.

Затем мы изучили движение основных средств на предприятии. Под движением основных средств на предприятие понимается их получение и выбытие в течение года.

Своевременное их обновление, замена устаревшего оборудования на более новые и современные технологии, позволит повысить производительность предприятия, качество выпускаемой продукции. Эффективность производства будет намного выше, если предприятие будет инвестировать в основные производственные фонды.



Воспроизведение основных средств - это
непрерывный процесс их обновления путем
приобретения новых, реконструкции, модернизации и
капитального ремонта действующих средств



Согласно постановлению “Кабинета Министров Республики Узбекистан о мерах по совершенствованию механизма хозяйственных отношений в капитальном строительстве” (пункт 32 в редакции постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15 октября 2009 г. № 274 — СЗ РУ, 2009 г., № 43, ст. 456) Централизованные инвестиции должны использоваться для создания и воспроизведения основных фондов в приоритетных направлениях экономики республики, обеспечивающих структурную перестройку отраслей экономики, сохранения и развития производственного и непроизводственного потенциала республики, решения социальных и других проблем, которые невозможно осуществить за счет иных источников финансирования.

Вывод. Анализ основных производственных фондов строительных подрядных организаций показал, что они нуждаются в модернизации. Своевременное обновление основных фондов для предотвращения чрезмерного морального и физического износа необходимо в связи с острой конкуренцией на рынке. Цель таких обновлений - сохранить имя поставщика качественных товаров, обеспечить продажи и общую рентабельность.

Список литературы:

1. http://www.unece.org/fileadmin/DAM/hlm/prgm/cph/experts/uzbekistan/04_legal_acts постановление “Кабинета Министров Республики Узбекистан о мерах по совершенствованию механизма хозяйственных отношений в капитальном строительстве” .
2. stat.uzstat.uz/publik/ru/6083/osnovnye-fondy-uzbekistana
3. fmc.uz
4. “Management of capital assets of construction organizations” M. Saidova, A. Ahmedov, Sh. Rakhmatullaeva and R. Osipyan . IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering 883 (2020)
5. “Сущность, классификация и структура основных фондов организаций” Морозова А. Б., Трубникова Т. В., Курск Мартынова Н. А.. Таврический научный обозреватель. www.tavr.science № 3 (20) — март 2017.



ФАРМАЦЕВТИКА КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Сатторов Озодбек Отабек ўғли
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
2-босқич магистранти.
+99897 611 10 08

Аннотация: фармацевтика соҳаси бутун дунёда иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга соҳа сифатида доим ўрганилиб борилади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида фармацевтика соҳасининг улуш юқори бўлмасада, соҳа корхоналари фаолиятини самарадорлигини ошириш аҳоли соғлигини сақлаш билан боғлиқ бўлгани сабабли ҳам долзарб масала ҳисобланади. Пандемия шароитидаги нарх-наволарни асоссиз ўсиб кетиши ҳамда дори-даромонларни етишмаслиги фикримизнинг исботидир. Шу сабабли мақолада соҳа объектлари фаолиятини молиявий назорат қилиш мақсадида таҳлил қилиш йўллари, унинг таркиби ҳамда элементлари ўрганилган.

Калит сўзлар: фармацевтика соҳаси, фармацевтика соҳаси корхоралари, фармацевтика соҳаси корхоналарининг фаолияти, самарадорлик, иқтисодий таҳлил аудити, иқтисодий таҳлил аудитининг таркиби.

Фармацевтика соҳаси корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш масаласи бугунги кунда ўзиинг долзарблигини янада кучайтиromoқда. Чунки пандемия фармацевтика соҳаси инсониятни турли инфекциялардан сақлашда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки фармацевтик саноати ҳажми ялпи ички маҳсулот таркибида йилдан йилга йирик улушга эга бўлиб бориши кузатилмоқда. 2019 йил якунлари бўйича мамлакатимизда саноат соҳасидаги ўсиш 2018 йилга нисбатан 1,6% ни ташкил қилган. Яни, 2018 йилда саноат соҳасининг ЯИМ даги улуси 41 548,5 млрд сўмни ташкил қилган. Фармацевтика соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуси йиллар динамикаси таҳлили, унинг ўзгариб боришидан далолат беради. 2011-2014 йилларда 0,8, 2015 йилда 1,0, 2016 йилда 1,4 2017 йилда 1,2 ва 2018 йилда эса 0,9 фоизни ташкил этган. 2019 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори 60 601,6 млрд сўмни ташкил қилган (пандемия муносабати билан ишлаб чиқаришнинг улуси 0,6% ни ташкил этган). Бундан кўришимиз мумкинки, ЯИМ да саноат соҳаси улушкининг ўсиши фармацевтика саноати ҳам ўсили дегани эмас экан.

Соҳа корхоналари фаолиятини молиявий назорати таҳлил (ички аудит) ва ташқи аудит ёрдамида амалга оширилади. Корхоналар фаолиятини назорат қилиш ва мавжуд ички имкониятларни аниқлаш иқтисодий таҳлил ёрдамида амалга оширилади. Ташқи аудитдан фарқли равишда иқтисодий таҳлил корхона ходимлари томонидан амалга оширилиши сабабли манфаатли ҳисобланади.

Корхоналар фаолиятини бошқариш ва улар маблағлари самарадорлигини ошириш мақсадида И.Т. Абдукаримов [1], М.И. Баканов, А.Д. Шеремет [2], Л.Е. Баевский [3], Г.В. Савицкая [4], Э.А. Акрамов [5], М.Қ. Пардаев, Ж.И. Истроилов, Б.И. Истроилов [6], А.Ҳ. Шоалимов [7] каби олимлар томонидан корхона фаолияти таҳлили - иқтисодий таҳлил назарияси, бошқарув таҳлили ва молиявий таҳлилга бўлиб ўрганилиши тўғрисида хulosалар қилинган.

Аммо барча соҳа корхоналари фаолияти таҳлилининг таркибий қисмларини уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантириш ва уни такомиллаштириш масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бундан фармацевтика соҳаси ҳам мустасно эмас. Биз ҳам юқорида қайд этилган олимлар ишларини ўрганиш натижасида фармацевтика соҳаси объектлари фаолияти иқтисодий таҳлилини қўйидаги З қисмга бўлиш мақбул, деб ҳисоблаймиз.

- фармацевтика соҳаси корхоналари фаолиятининг иқтисодий таҳлил назарияси;
- фармацевтика соҳаси корхоналари фаолиятининг бошқарув таҳлили;
- фармацевтика соҳаси корхоналари фаолиятининг молиявий таҳлили.

Навбатдаги муҳим вазифалардан бири, ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таҳлилнинг ҳар бир қисмига қайси мавзуларни киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишидир.

Фармацевтика саноати билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти иқтисодий таҳлилда



қуидаги қисмлар ва мавзуларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Фармацевтика корхоналари фаолияти **иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари** қисмида:

- фармацевтика соҳаси билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти иқтисодий таҳлилиниң мазмуни, предмети, обьекти ва вазифалари;
- фармацевтика соҳаси билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар ва услублар;
- фармацевтика соҳаси билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти иқтисодий таҳлилиниң бошқа фанлар билан алоқалари ва улар ўртасида тутган ўрни ўрганилиши зарур.

Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари “Иқтисодий таҳлил назарияси” фанида батафсил қараб чиқилади. Аммо ҳар бир соҳанинг хусусиятидан келиб чиқиб, айrim назарий масалаларни шунга мос равишда ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, фармацевтика саноати корхоналари фаолияти иқтисодий таҳлилиниң мазмуни, предмети, обьекти ва вазифалари шу соҳага мос равишда қараб чиқилиши зарур ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилнинг обьекти айнан шу соҳада фаолият юритувчи хўжалик юритувчи корхоналар бўлиши зарурдир.

Бозор иқтисодиёти корхоналарга бир неча фаолият турлари билан шуғулланиш имкониятини беради. Лекин статистик ва солиқ қонунчилигига асосан асосий фаолият сифатида корхонанинг айланма юқори бўлган йўналиш олинади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар ва услублар қўллашда умумметодологик жиҳатлари сақланиб қолган ҳолда, мисоллар айнан фармацевтика соҳасидан олинади. Фармацевтика саноатининг иш натижаси – ишлаб чиқарилган дори воситалар ҳажми билан белгиланса, савдо фаолиятида товар айланмаси билан, хизмат кўрсатишида кўрсатилган хизмат микдори билан ўлчанади. Таҳлил усуллари ўрганилаётган паллада айнан шу хусусиятларни инобатга олиш лозим бўлади.

Амалга оширилган таҳлил материаллар жараёнда тўпланган ахборотлар, уларни қайта ишлаш ва таҳлили натижалари корхона фаолиятини аудитида фойдаланилиши мумкин. Айнан таҳлил натижаларида олинган натижалар корхона мулки ҳолатидаги ўзгаришлар, уларнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари мазмунига баҳо бериш учун хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Финансово хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. 2-е изд. Тамбов. Издательский дом ТГУ, 2008.-667 бет.
2. М.И. Баканов, А.Д. Шеремет Теория экономического анализа. Учебник. . – М.: ИНФРА-М, 2002 –333 бет., Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа.- М.: ИНФРА-М, 2000 – 208 бет.,
3. Л.Е. Басовский. Теория экономического анализа: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001 – 222 бет.
4. Г.В. Савицкая. Анахозяйственной еятельности предприятия. Учеб. пособие.- Минск ООО “Новое знание” 2010 – 688 бет.
5. Э.А. Акрамов. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.- Т.: Молия, 2003.- 224 бет.,



INNOVATSIYA FAOLIYATINING AHAMIYATI

Nabijonov Otobek Ganiyevich

Toshkent davlat transport universiteti

iqtisodiyot fakulteti talabasi

+998912442250. otabek.ganiyevich@mail.ru

Raimova Durdonna Durdibay qizi

Toshkent davlat transport universiteti assistenti

+998903271216. donaraimova0011@gmail.com

Annotatsiya: Maqolada innovatsiya faoliyatining ahamiyati va rivojlantirishning dolzarbliги ко'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: innovatsiya, innovatsiyaning asosiy xususiyatlari va innovatsion jarayon bosqichlari

Mustaqil O'zbekiston rivojlanishining hozirgi bosqichida innovatsiya insoniyat taraqqiyoti va iqtisodiy o'sishning asosiy omiliga aylanmoqda. Innovatsiya jarayonining doimiy rivojlanib borishi insoniyat va ijtimoiy hayot o'zgarishiga jiddiy ta'sir ko'rsatmoqda. Innovatsiya xo'jalik yuritish sub'ektlarini modernizatsiyalashga katta ta'sir ko'rsatmoqda. Samarali innovatsion faoliyat nafaqat ishlab chiqarish strategiyasi, balki mamlakatning iqtisodiy salohiyatini kuchaytirishni ham belgilaydi. Innovatsiya deb yangi ko'rinishda mahsulot (tovar, ish, xizmat) yaratilishini yoki takomillashtirilishini, ishlab chiqarish jarayonining yangi ko'rinishi joriy qilinishini yoki ushbu jarayonning takomillashtirilishini, biznesni yuritishda yangi marketing yoki tashkiliy usullarning joriy etilishini, ish o'rnlari tashkil etishni yoki tashqi aloqalar o'rnatilishini o'zida mujassamlashtirgan innovatsiyaviy faoliyatning yakuniy natijasi tushuniladi.

Innovatsiya an'anaviy va yangi ilm-fan sig'imi yuqori bo'lgan tarmoq sohalarida iqtisodiy o'sishni va raqobatbardoshlikni doimiy ravishda ta'minlovchi zaruriy vosita sifatida namoyon bo'ladi. Innovatsiyaning asosiy xususiyatlari:

- Ilmiy-texnik yangilik;
- Amaliy qo'llanilishi;
- Tijoriy amalga oshirilishi, ya'ni bozorda ma'lum darajada iste'molchilar talabini qondira olishi.

Umuman olganda, innovatsion jarayon - bu yangilik dan to mahsulotgacha shakllanishi va bozorga tarqalishidir.

Innovatsion jarayon bosqichlari:

1-bosqich bu yangi g'oya va bilimlar;

2-bosqich bu yangilikni (novatsii) amaliy faoliyatga tadbiq etish, ya'ni innovatsiya;

3-bosqich bu innovatsiyalar diffuziyasi. Ya'ni innovatsion mahsulot, xizmat va texnologiyalarni yangi makon va sharoitlarda qo'llanilishi.

Shunday qilib, "innovatsiya" tushunchasi barcha sohalardagi (ishlab chiqarish, ilmiy-tadqiqot va boshqa) ishlanmalar, yangiliklar va takomillashtirilgan vositalar sifatida, sarf-xarajatlar imkoniyatlarini ta'minlaydi yoki bolmasa ularni ta'minlash uchun sharoit yaratadi.

Innovatsiyalarni oxir-oqibat maqsadi tovar (mahsulot) raqobatbardoshligini kuchaytirish, uning bozorini kengaytirish, firma (korxona) faoliyati barqarorligini ta'minlash asosida foyda (daromad) hajmi va normasini ko'paytirishdir.

Innovatsiyalar ozining predmeti va qo'llash sohalari bo'yicha quyidagilarga bo'linadi:

-mahsulotli (yangi tovar yoki xizmatlar);

-bozorboplilik (tovarni ishlatilishini yangi sohalarini tashkil etuvchi yoki xizmatlarni yangi bozorda tadbiq etish);

-innovatsiyalik jarayonlari (texnologiyalar, ishlab chiqarishni tashkil etish va boshqarish jarayonlari)

Innovatsiyalarni qayd etilgan mezonlar tiplarga ajratish firma (korxona) strategiyasini aniqlash, innovatsiya tiplaridan kelib chiqib tovar (xizmatlari) realizatsiya shakllari hamda iqtisodiy mexanizm boshqarish shakllarini ishlab chiqish imkoniyatlarini beradi. Har qanday yangilik, ya'ni innovatsiya aniq loyihalarda o'z ifodasini topadi, aniq maqsadlarga qaratiladi hamda chuqur hisob-kitoblar, tahlil va ekspertiza asosida bo'lajak natijalari istiqboli aniqlanadi.



Innovatsiya har qanday sohada yangilikni qo'llash bo'lib, uzlusiz jarayonni bildiradi, tizimli faoliyatni, aniq strategiya'ni amalga oshirishdan dalolat beradi.

Yangilikka intilish, yaratuvchanlik, kashfiyotlar va ular asosida qo'lga kiritiladigan ishlanmalar har qanday sohada resurs talab etadi.

Har qanday iqtisodning bosh bo'g'inini ishlab chiqarish tashkil etishi munosabati bilan, uni muntazam ravishda yuksaltirish, yangilanishni, ilg'or texnika va texnologiyalardan foydalanishni, progressiv boshqaruv usullarini qo'llashni, turli yonalishlarda samara keltiruvchi iqtisodiy-moliyaviy resurslarni, ya'ni investitsiyalarni kiritishni talab etadi.

Makroiqtisodiy darajada innovatsiyalarga qaratilgan investitsiyalar ijtimoiy-iqtisodiy tizimni takomillashtirishga qaratiladi va iqtisodiy taraqqiyotni umumiylar shart-sharoitlarini yaxshilab boradi hamda iqtisodiy mexanizmlarning takomillashtirilishini ta'minlaydi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida ishlab chiqarish mukammal omillarga ega bo'lishi talab etiladi va zaruriy iqtisodiy resurslar, ya'ni investitsiyalarni talab etadi. Bunda innovatsiyalarga qaratilgan investitsiyalar ijtimoiy-iqtisodiy tizimning moddiy, ijtimoiy-iqtisodiy va g'oyaviy-siyosiy belgilarini takomillashtirilishiga safarbar etiladi. Bunday investitsiyalar resurslar, ishlab chiqariladigan mahsulotlar, xizmatlar, mulkchilik shakllari, iqtisodiy mexanizm, intilinayotgan g'oya va siyosatning ustuvorligini ta'minlanishiga qaratiladi.

Mamlakatimiz iqtisodiyotining hozirgi holati milliy iqtisodiyotda innovatsion o'zgarishlarni amalga oshirish sur'atlarini jadallashtirishni talab etadi. Iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko'rsatmoqdaki, faol, samarali innovatsiya va marketing strategiyalari mamlakat iqtisodiy va tabiiy omillaridan oqilona foydalanish orqaligina amalga oshirilishi mumkin. Bozor iqtisodiyoti sharoitida iqtisodiyotning innovatsion shakllanishi, eng avvalo, iqtisodiy o'sishni ta'minlovchi tarmoqlar hisobiga yuz beradi, bu esa o'z navbatida mamlakat iqtisodiyotini xomashyo eksport qilinishini kamaytirish bilan birga uni qayta ishlashni rivojlantirishga, valyuta mablag'larining tejalishiga va aholi bandligining oshishiga sabab bo'ladi. Ushbu omillar o'z navbatida mamlakatning jahon hamjamiatidagi o'rmini mustahkamlanishiga olib keladi.

Innovatsiya u yoki bu faoliyat sohasida samaradorlikni oshirish uchun insonning intellektual mulk yutuqlardan foydalanish natijasida olingan moddiy va nomoddiy mahsuli bo'lib, u mos ravishda texnologik, iqtisodiy, ekologik, boshqaruv, harbiy, siyosiy, ijtimoiy-madaniy, huquqiy va boshqa turlarga bo'linadi.

Yangilik darajasi bo'yicha texnologik innovatsiyalarni bazis, yaxshilovchi va soxta innovatsiyalarga ajratish mumkin. Zamonaviy texnologik yangiliklar boshqa mamlakatlarda kiritilgan yangiliklarni takrorlovchi imitatsiya va dunyoda ilk bora amalga oshirilayotgan yangi innovatsiyalar bo'lishi mumkin.

Hozirgi zamonaviy nuqtai-nazardan, bazis innovatsiyalar yangi texnika (texnologiya) avlodlari va texnologik ukladlarni o'zlashtirishga yo'naltirilgan bo'ladi; yaxshilovchi innovatsiyalar esa avlodlarning tarqalishi va ular qo'llanuvchi turli sohalarning o'ziga xosliklaridan kelib chiqqan holda taqsimlanishiga xizmat qiladi; soxta innovatsiyalar eskirgan texnika va texnologiyalarning xizmat qilish muddatini uzaytirishga xizmat qiladi.

Innovatsion o'zgarishlar amal qilish maydoniga ko'ra inson faoliyatining barcha sohalari va jamiyatning har bir jabhasini qamrab oladi. Boshlangich, eng ko'p o'rganilgan texnologik innovatsiyalar quyidagilar hisoblanadi: ishlab chiqarish yangi texnologik usulining shakllanishi asosida yotuvchi innovatsiyalar; texnologik ukladlar va texnika (texnologiya) avlodlarini o'zgartirishga turki bo'luvchi bazis innovatsiyalar; yangi texnika modellari va texnologiya modifikatsiyalari yordamida yangi bozorlarni o'zlashtirishga xizmat qiluvchi yaxshilovchi innovatsiyalar.

Mamlakatimizda iqtisodiyot rivojlanishining so'nggi bosqichlarida innovatsion jarayonni jadallashtirishga katta e'tibor qaratilmoqda. innovatsion faoliyatni qo'llab-quvvatlash, innovatsion ishlanmalar va texnologiyalar, ilmiy yutuqlarni joriy etishni rag'batlantirishning institutsional va tashkiliy-huquqiy asoslarini tubdan takomillashtirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida"gi farmon qabul qilindi. Farmon bilan strategik rejalashtirish tizimini yaratish, davlat boshqaruvining innovatsion shakllarini amalga kiritish, fan va innovatsiya faoliyatini rivojlantirishning zamonaviy infratuzilmasini shakllantirish, investitsiyalarni keng jalb qilish, huquqiy bazani takomillashtirish, ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish, ijtimoiy va iqtisodiy hayotning dolzarb sohalariga ilg'or texnologiyalarni faol



joriy etish kabi mamlakat innovatsion rivojlanishining asosiy yo‘nalishlari belgilandi.

Farmon bilan O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi tashkil etildi hamda uning davlat va jamiyat qurilishi, iqtisodiyot, qishloq xo‘jaligi, ijtimoiy rivojlanish, ilg‘or texnologiyalarni joriy etish, shuningdek, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiatdan foydalanish sohalaridagi faoliyatining asosiy yo‘nalishlari nazarda tutildi.

Bundan kelib chiqib, Innovatsion rivojlanish vazirligi O‘zbekiston Respublikasining innovatsion va ilmiy-texnik rivojlanishi sohasidagi yagona davlat siyosatini amalga oshiruvchi organ etib belgilandi.

Vazirlik davlat ilmiy-texnikaviy dasturlari va loyihalarining yagona buyurtmachisi bo‘ladi, innovatsion ishlanmalar va texnologiyalarni joriy etish bo‘yicha davlat boshqaruv organlari, ilmiy-tadqiqot, axborot-tahlil muassasalari va boshqa tashkilotlar faoliyatini muvofiqlashtiradi.

Mazkur farmonga innovatsion ishlanmalar va texnologiyalarni keng joriy etish borasida ma’muriy islohotlar konsepsiyasini amalda ro‘yobga chiqarish bo‘yicha muhim qadam sifatida qarash mumkin.

Innovatsion rivojlanish vazirligining tashkil etilishi innovatsion va ilmiy-texnikaviy rivojlanish sohasida yagona davlat siyosatining amalga oshirilishini ta’minlashga qaratilgan. Yangi idora innovatsion ishlanmalar va texnologiyalarni ro‘yobga chiqarish uchun byudjet mablag‘laridan oqilona foydalangan holda mayjud resurs va mablag‘larning safarbar etilishini ta’minlaydi.

Pirovard natijada, O‘zbekistonni rivojlantirishning innovatsion yo‘li iqtisodiy o‘sishning harakatlantiruvchi kuchi, mamlakat barqarorligi va aholi farovonligini ta’minlashning omili bo‘lishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. 2019-2021- yillarda O‘zbekiston respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to’g’risida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. PF-5544 21.09.2018.
2. Innovatsion faoliyatni boshqarish. Salixanov S.A. Darslik. Toshkent 2013.
3. Innovatsiya strategiyasi. Abdusattarova X.M. O’quv qo’llanma. Toshkent 2011

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(9-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000